



Шири-Ланкадаги «Бутун Дунё Ислом Ёшлари Жамияти» идораси Куръони Карим маъноларини Шири-Ланка тилига таржима килиш лойихасини тамомлади.

«Башаир ал-Ислам» интернет ахборот сайтининг хабар беришича, Шири-Ланкадаги «Бутун Дунё Ислом Ёшлари Жамияти»нинг шаркий минтакадаги Бош Рахбари Куръони Карим маъноларини шири-ланка тилига таржима килиш лойихаси жуда хам олий иш бўлганини ва таржиманинг «Таборақ» ва «Амма» пораларининг тугалланганиши натижасида муваффакият йўлига тушиб олганини таъкидлаган.

Шири-Ланкада аҳолининг 80% шири-ланка тилида гаплашади. Ушбу тилда исломий манбаъларнинг камлиги Исломни мусулмон бўлмаган маҳаллий аҳоли ўртасида таркалиши йўлидаги асосий муаммолардан биридир. Куръони Карим маъноларини шири-ланка тилига таржима килиниши мусулмон бўлмаган аҳолини Исломга даъват килиш борасида муҳим роль ўйнаши табиий.